

МАИШИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20__ йил “__” _____ – сон _____
(шартнома тузилган жой)

_____ (кейинги ўринларда
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)
“Корхона” деб юритилади) нинг _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
_____ бир тарафдан ва

_____ (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.)
_____ (кейинги ўринларда “Истеъmolчи” деб
(жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)
юритилади), тизимдаги шахсий ҳисоб варағи - □□□□□□□ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Корхона Истеъmolчига маиший эҳтиёжлари учун электр энергиясини (кейинчалик “Энергия”) етказиб бериш, Истеъmolчи эса олинган Энергия учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъmolининг йиллик шартномавий ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил этади. (1-Илова)

2.2 Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи _____ сўмни ташкил этади

Энергия истеъmolли мазкур шартномада келтирилгандан кам, ёки кўп бўлган тақдирда Истеъmolчи амалдаги истеъmol учун ҳақ тўлайди.

2.3 Корхона томонидан Истеъmolчига етказиб берилган Энергия миқдори ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойни ташкил этади.

3.2 Энергия учун ҳақ тўлаш Истеъmolчи томонидан ҳар ойнинг 10-санасигача Корхонанинг барча турдаги банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган барча бошқа йўллар билан амалга оширилади.

3.3 Истеъmolчи ушбу шартномага асосан маиший эҳтиёжларга фойдаланилган Энергия учун, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида, аҳоли учун белгиланган ягона бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайди.

3.4 Ҳисобга олиш приборига эга бўлмаган ва бирор-бир сабабга кўра мазкур турар жойда вақтинчалик яшамаётган маиший истеъmolчи ҳудудий электр тармоқлари қорхонасини бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

3.5 Энергияни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этиш имконияти бўлмаган ҳолларда, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар, истеъmolнинг шартномавий

миқдори ёки олдинги давр учун амалда истеъмол қилинган Энергия сарфи бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилиш шarti билан амалга оширилади.

3.6 Истеъмолчи томонидан фойдаланилган Энергия учун ортиқча ҳақ тўланган ҳолларда, бу тўловлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

3.7 Энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергияни етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов миқёсида амалга оширилади.

3.8 Истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларни камайтириш мақсадида ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби билан) бузилгани ёки йўқлиги, пломбалари узилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан ташқари улангани ва бошқа қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси охириги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) даври учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ноқонуний истеъмол қилинган Энергия сарфи қуйидагича аниқланади ва қайта ҳисоб-китоб қилинади:

а) ёритувчи ток қабул қилгичларнинг қуввати ва ишлатилиш соатлари сони бўйича;

б) истеъмолчида штепсел розеткалари мавжуд бўлганида (ток қабул қабул қилгичлар ва розеткалар сонидан қатъий назар) – ҳар суткада 24 соат давомида соатига 600 Вт қувват фойдаланиш ҳисобидан;

в) қуввати 600 Вт дан ортиқ бўлган иситиш приборлари ёки бошқа электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолларида - истеъмолчи фойдаланаётган ускуналарнинг амалдаги қуввати бўйича уларнинг ҳар суткада 24 соат ишлатилиши ҳисобидан амалга оширилади.

3.9 Қайта ҳисобланган Энергия сарфи асосида Корхона Истеъмолчига қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради.

Қоида бузилиши юзасидан тўлов ҳужжатини ёзишда, даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги тариф қўлланилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани қонун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

3.10 Энергияни ҳисобга олиш схемасининг ўзгариши ва бузилиши билан боғлиқ барча турдаги ишларни бажариш учун Истеъмолчи бу ишлар бошланишидан олдин Корхонани ёзма равишда хабардор этади.

3.11 Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганида, етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб, Корхонанинг қарори билан ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга

олиш тикланганидан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тизими тикланиши зарур.

Агар объектив сабабларга кўра кўрсатилган муддатда ҳисобга олиш приборини тиклашнинг имконияти бўлмаса, Истеъмомчига етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати тарафларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

3.12 Тарифлар ўзгарган ҳолда, тариф ўзгарган санагача истеъмом қилинган Энергия учун эски тарифда ҳақ тўланади, кейинги санадан бошлаб янги тариф бўйича тўлов амалга оширилади.

Барча тариф ўзгарган санагача истеъмом қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмом бўйича аниқланган ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

3.13 Истеъмомчи шартномавий миқдор асосида 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун Энергия ҳаққини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ошган Истеъмомчи кўшимча тўловдан озод қилинади.

3.14 Истеъмомчининг хонадони ижарага (юримдик шахсларга) берилган тақдирда Ижарачи уч кун муддатда ижарага олинган хонадонда Энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ расмий ишларни ҳал қилиш учун Корхонага мурожат қилиши шарт. Ижара муддати тугагандан сўнг, Истеъмомчи ижарачидан чиқиб кетиш кунигача фойдаланилган Энергия учун амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотномани талаб қилади ва қайта расмийлаштириш учун Корхонага тақдим этади. Истеъмомчи аввалги ижарачиларнинг Энергия учун қарздорлигига жавобгар ҳисобланади.

Турар жой бинолари ижарачиларга ёки ёлловчиларга (юримдик шахс бўлган истеъмомчилар бундан мустасно) топширилганда улар билан Энергия таъминоти шартномаси янгидан тузилмайди ва етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китобни Истеъмомчи амалга оширади.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Энергия етказиб бериш фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда чекланиши мумкин.

4.2 Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмомчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

4.3 Қоидабузарлик учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” бузилганлик ҳолатлари бартараф этилганидан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 16 август 2011 йил 2255-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган тўловлар тўланганидан сўнг амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда, бу ҳаракатлар натижасида Истеъмолчига етказилган ҳақиқий зарарни қопланишини талаб қилиш.

в) Корхона томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) хонадонда, уйда ўрнатилган электр тармоқларининг тегишли техник ҳолати ва “Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га риоя қилиниши, Энергияни ҳисобга олиш приборлари ва улардаги пломбаларнинг бутлигини таъминлаш;

в) тўлов ҳужжатида хатолик ёки Энергияни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичидаги ноаниқликлар, носозликлар аниқланганда дарҳол Корхонага хабар бериш;

г) ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, истеъмолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўриқдан ўтказиши керак.

д) Корхона назоратчисини, унга тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган шахсий гувоҳномаси бўлганида, соат 8:00дан 20:00гача Энергия қабул қилгичларини кўриш ва ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш учун киритиш.

5.3 Корхонанинг ҳуқуқлари:

а) Истеъмолчи томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Истеъмолчи томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда, бу ҳаракатлар натижасида Корхонага етказилган ҳақиқий зарарни қопланишини талаб қилиш;

в) мазкур ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиш:

- электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганида;
- шартномада белгиланган муддатда Энергия учун тўлов амалга оширилмаганда;
- “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда;
- Энергия таъминоти схемалари ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда;
- Истеъмолчи Корхонанинг электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганида, Энергияни ҳисобга олиш схемалари, ҳисобга олиш приборлари тамғалари бузилганда;
- ҳисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;
- корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганида;
- аварияларни олдини олиш бўйича шошилиш чоралар кўриш ёки уларни Корхона тизимида бартараф этиш заруриятида, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) Истеъмолчига Энергияни шартномавий миқдорда, ҳамда белгиланган сифатда электр тармоқларининг бўлиниш чегарасигача узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) электр тармоқ хўжалигининг режавий таъмирланиши туфайли Истеъмолчига Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш.

в) электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш.

г) Корхонанинг электр тармоқларида авария ҳолатлари ҳақида Истеъмолчи томонидан берилган буюртмаларни қабул қилиш ва дарҳол ушбу ҳолатларни текшириш ва бартараф қилиш чораларини кўриш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Фойдаланилган Энергия учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Истеъмолчи Корхонага ҳар бир муддати ўтган кун учун 0,1 фоиз миқдорда, лекин муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3 Энергия билан таъминлашда қонунчиликда белгилангандан ташқари узулиш ҳоллари бўлса, Корхона Истеъмолчига етказиб берилмаган ҳар бир кун учун энергия суммасининг 0,1 фоиз миқдорда, лекин шартнома суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар ҳисобланмайдилар.

6.4 Истеъмолчи томонидан электр тармоғидан узилган электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш, ҳамда Энергиядан ноқонуний фойдаланганлик сабабли қайта-ҳисобланган тўловларни амалга оширилганлиги уларни “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

VII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

7.2 Шартноманинг иловаси унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома _____ муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида охириги ой мобайнида мурожаат қилмаса, шартнома назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади.

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

VIII. ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Истеъмолчининг электр қурилмалари: 6-10 кВли _____ фидерига,
_____ТПдан чиқувчи 0,4 кВ _____ фидерга _____ қўчаси
бўйича _____-рақамли ҲЛ таянчига уланган.

Ҳисобга олиш прибори тури ва рақами _____,
Ўзстандарт тамғаси рақами _____, клемма қопқоғидаги тамға
рақами _____.

Шартномани тузиш вақтида ҳисобга олиш прибори кўрсаткичи _____,
Уланган қувват _____кВт.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

КОРХОНА

ИСТЕЪМОЛЧИ

1. Номи ва манзили _____

1. Манзили _____

2.Телефон _____

2. Телефон _____

3. Ҳ/Р _____

3. Паспорт маълумотлари _____

4. СТИР _____

4. Корхонадаги шахсий х/р. _____

5. Банк коди (МФО) _____

5. Ф.И.Ш. _____

6. Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

6. Имзо _____

7. Имзо _____

8. Мухр _____

Истеъмолчи “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва мазкур шартнома билан таништирилди, ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилди.

Корхона вакили

Истеъмолчи

Сана Ф.И.Ш. имзо

Сана Ф.И.Ш. имзо

Қўшимча маълумотлар

1. Шу манзилдаги Истеъмолчининг олдинги шахсий ҳисоб-рақами _____
2. Истеъмолчининг 2 ёки 3 тарафлама 0,4 кВ ЭУЛга уланганлиги _____
3. Хонадон газлаштирилганми? _____
4. Марказлашган иситиш тизимига уланганми? _____
5. Ёритиш приборларининг сони ва қуввати _____ Розеткалар сони _____
Уланган Энергия қабул қилгичларининг қуввати _____
6. Шу хонадонда (хусусий уйда) бирга яшовчи шахслар, иш жойи.

Етказиб бериладиган Энергиянинг миқдори

Ойлар	Энергия миқдори кВт.с
Йил жами	
I чорак	
Январь	
Февраль	
Март	
II чорак	
Апрель	
Май	
Июнь	
III чорак	
Июль	
Август	
Сентябрь	
IV чорак	
Октябрь	
Ноябрь	
Декабрь	

Корхона вакили

Сана Ф.И.Ш. имзо

Истеъмолчи

Сана Ф.И.Ш. имзо